

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

№ 1

Кўшкўпир тумани

«09» июн 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Кўшкўпир тумани Халк таълими булими номидан **Низом** асосида иш кўрувчи мудир **К.З.Нурматов** томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**Шодлик Шодияхон**» МЧЖ номидан **низом** асосида иш курувчи **Ш.Комилов** иккинчи томондан Кўшкўпир тумани Халк таълими булимига карашли 27-мактабни жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

- **ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;
- **курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;
- **вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- **шартнома нархиши булиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ асосида** кузда тутилган лойиха буйича бинони 27-мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бинони туманидаги 27-мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда нархларда **128500000 (бир юз йигирма саккиз миллион беш юз минг) сўмни** ташкил этади.
4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:
- курилиш қийматини қушайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
 - ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
 - объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.
5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
 - курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
 - курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;
 - курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
 - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;
 - курилиш майдони курикланишини таъминлаш;
 - курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.
 - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада қузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.
10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча муурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва туманидаги 27-мактабни жорий таъмирлаш ишларини молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада қузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга қиради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.
15. Объектни **июн ойида** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича узаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар қийматининг 30 % миқдориди аванс ўтказади, бу **38550000 (ўттиз саккиз миллион беш юз эллиқ минг) сўмни** ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблаглар уч банка қунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
19. Буюртмачи томонидан туманидаги 27-мактабни жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиغان маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
21. Пудратчи молиялаштириш учун туманидаги 27-мактабни жорий таъмирлаш ҳисобот ойнанинг охири қунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига молиялаштириш 27-мактабни жорий таъмирлаш бажарилган курилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варак-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утқизиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг қечикиши оқибатида етқизилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утқизилган синовлар, материаллар уз вақтида етқазиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан қикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-қесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга муносаби равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни қонсервация қилиш учун қаңдай қоралар қурилишини муҳоқама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚАҒОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қонструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қағолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қағолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин туманидаги 27-мактабни жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
 - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.
38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.
39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.
40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юри­тувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қўйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 20% микдорида жарима тулайди;
- буюртмачининг ҳисоб қаммига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қўнида сабабсиз пудратчининг ҳисоб қаммига утқазиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 20% микдорида жарима тулайди;
- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортигани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортиган сумманинг 20% микдорида жарима тулайди;
- шартнома шартларига мувофиқ тайёр қолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

43. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қўйидаги ҳолларда мулк­ий жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан қам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан қар кечиктирилган қўн учун 0.5% микдорда пеня тулайди.
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охирига қўнига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% микдорида жарима тулайди;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан қам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% микдорида жарима тулайди;
- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр қолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% микдорида жарима тулайди;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи қомиссияси тамонидан аниқланган қамчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қўндан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган қамчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% микдорида жарима тулайди.

44. Агарда томонлардан бири ўз қўзвизитларини шу жумладан юридик ва қўчта манзилларини, телефон қамқаларини, қўрқона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч қалендар

қунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдориди жарима тулайди.

45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тугри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни тамонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мувожаз қилишлари мумкин.

XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

49. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қарор қилади. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи қорхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи қорхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган тамонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, тамонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва тамонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқӣ хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиган ҳар қандай аҳдлашувни тамонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни қечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартноманинг нарҳлардаги мактаб биносини 27-мактаб биносини жорий таъмирлаш суммаси меърий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб қикилади.

56. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қулланилади.

57. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначилиқдан руйҳатдан утгандан кейин юридик қучга қиради ва бу шартнома 31.12.2022 йгача амал қилади .

58. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга булган 2 нусхада тузилди.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

Қўшқўпир туман халқ таълими бўлими

Манзил: Беруний кўчаси 5 уй

Тел: 32-97-305

Шхр: 401722860332127092100075012

ИНН: 200905877

Молия вазирлиги газначилик Ташкент шаҳар

Марказий Банк

МФО: 00014

ИНН: 201122919

Х/р: 23402000300100001010

«Шодлик Шодияхон» МЧЖ

Манзил: Қушқўпир тумани Қўшқўпир кўчаси

Тел:

х/р: 20208000700767559001

Банк номи: Агро банк

МФО : 00565

СТИР : 304867208

Мудир:



К.Нурматов

Раҳбар



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

- 1. Loyiha tur:** Shartnoma
- 2. Loyiha nomi:** Xalq ta'limi bo'limiga qarashli 27-son maktabni joriy ta'mirlash bo'yicha pudrat shartnomasi.
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sanasi haqidagi ma'lumot**
Qo'shko'pir tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan qabul qilingan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Qo'shko'pir tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markaz bosh yuriskonsulti



R.R.Gulomov

08.06.2022 yil

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 96433 на приобретение 27-сон мактаб биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 07.06.2022

Время рассмотрения 07.06.2022 09:40

Конкурсная комиссия Кушкупир туман Халк таълими булими ХТБ марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	NURMATOV KAMOLADDIN ZARIPOVICH	MUDIR	XARID KOMISSIYA RAISI
Секретарь комиссии	YUREV MUNISBEK BATIR O'G'LI	Xalq ta'limi bo'limi metodisti	Xarid komissiya a'zosi
Член комиссии	RO'ZMETOV SAN' ATBEK OLIMBOYEVICH	Davlat xaridlari va shartnomalar bo'yicha mutaxassis	Xarid komissiya kotibi
Член комиссии	KENJAYEV INOYAT RAXIMOVICH	Ta'minotchi	Xarid komissiya a'zosi
Член комиссии	GAPPAROV YASHIN ULUG'BEKOVICH	MTEX boshlig'i	Xarid komissiya a'zosi
Член комиссии	SOTTAROV ILXOMBAY SAPORBAYEVICH	Bosh xisobchi	Xarid komissiyasi raisi o'rinbosari

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.06.2022 года № лота 96433.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	27-сон мактаб биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	129 843 000.00
Стартовая сумма	129 843 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Оферант тўғрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Кархона устави, гувоҳномаси, ҚҚС гувоҳномаси(фаол бўлиши керак), кархона тўғрисида умумий маълумот,

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	6	Оферант тўғрисида умумий маълумот	4	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	6	Оферант тўғрисида умумий маълумот	6	Экспертная		

Критерий №2 Бажарилган ишларни кабул килиш топшириш далолотномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Кабул камиссиясининг ёки буюртмачи ташкилотнинг далолатномалари ҳамда буюртмачи ташкилотларнинг тавсиялари билан биргаликда. Олдинги даврларда бажарган ишларни уз вақтида бажарганлигини асословчи хужжатлар (шартнома ва охирги Ф-3 ҳисоботи)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	10	Бажарилган ишларни кабул килиш топшириш далолотномаси	8	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	10	Бажарилган ишларни кабул килиш топшириш далолотномаси	10	Экспертная		

Критерий №3 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги . Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлов эълон қилинган кундан кейин олинishi шарт QR коди билан) Хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	6	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги	4	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	6	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича	6	Экспертная		

Критерий №4 . ВМнинг 2021 йил 55-сон қарори билан тасдиқланган "Курилиш соҳасида танловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида" ги низом талабларидаги рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Рейтинг кўрсаткичларига мувофиқ юқорида кўрсатилган жорий таъмирлаш ишларига, юқори тажрибага эга бўлган ташкилотларни жалб этиш мақсадида баллар қуйдагича ҳисобга олинади

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	10	Рейтинг	8	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	10	Рейтинг	10	Экспертная		

Критерий №5 Курилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кархонада мавжуд бўлган юк автомобилларнинг ишлаб чиқарилган йили ва юк кўтариш қуввати кўрсатилган маълумотномаси, ҳамда транспортларнинг техник паспорти ва техник кўриқдан ўтганлиги кўрсатилиши керак. Бошқа машина ва механизмларнинг мавжудлиги тўғрисида Туман статистика бўлимининг маълумотномаси муҳрланган ва имзоланган кўринишда тақдим қилинади

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	6	Курилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар руйхати	4	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	6	Курилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар руйхати	6	Экспертная		

Критерий №6 ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачилар билан тузилган шартномалар руйхати санаси ва суммаси жадвал кўринишда буюртмачи ташкилотлар томонидан муҳри билан тасдиқланган ва имзоланган кўринишда илова қилинади.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	10	ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ	8	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	10	ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ	10	Экспертная		

Критерий №7 Ишчи ва ходимлари малакаси мутахасислиги ва иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: ишчи ходимлар буйруги, маълумоти , мутахасислиги курилишдаги иш стажлари my. mehnat.uz сайти билан мос келиши. Туман бандликга кўмаклашиш маркази маълумономаси асосида.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	6	Ишчи ва ходимлари малакаси мутахасислиги ва иш тажрибаси	4	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	6	Ишчи ва ходимлари малакаси мутахасислиги ва иш тажрибаси	6	Экспертная		

Критерий №8 Ташкилот раҳбарининг мутахасислик бўйича олий маълумотга егалиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот раҳбарининг курилиш соҳасидаги иш стажи , маълумоти , мутахасислигига караб 1 дан 4 гача бал ҳисобланади. Раҳбар олий маълумотли қурулиш соҳасига доир маълумотга эга бўлган, стажи камида 5-йил бўлиши тавсия қилинади

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	6	Ташкилот раҳбарининг мутахасислик бўйича олий маълумотга егалиги	4	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	6	. Ташкилот раҳбарининг мутахасислик бўйича олий маълумотга егалиги	6	Экспертная		

Критерий №9 Танлов объектиди ишлатиладиган курилиш материалларининг мавжудлиги сақланаётган омборхонаси ҳамда сертификатлари тўғрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Оферантнинг курилиш объектда ишлатиладиган курилиш материаллари мавжудлиги , ишлаб чиқариш базаси мавжудлиги, омборхонаси мавжудлиги(Кучмас мулк обектига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида Давлат реестридан кўчирма QR коди билан) ҳамда курилиш материаллари сертификати.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	10	. Танлов объектиди ишлатиладиган курилиш материалларининг	8	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		мавжудлиги сақланаётган омборхонаси ҳамда сертификатлари тўғрисида маълумотлар				
ООО SHODLIK SHODIYAXON	10	Танлов объектиди ишлатиладиган қурилиш материалларининг мавжудлиги сақланаётган омборхонаси ҳамда сертификатлари тўғрисида маълумотлар	10	Экспертная		

Критерий №10 Қурилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи томонидан беркитилган маъсул ходим билан биргаликда иш хажими ва хусусиятини тўлик ўрганганлиги(белгиланган шакилда) лойҳа - смета хужжатлари мос келиши тўғрисида маълумот маъсул ходим ва оферант вакили имзоси ва буюртмачи ташкилот мухри билан тасдиқланган бўлиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	15	. Қурилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома	13	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	15	Қурилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома	15	Экспертная		

Критерий №11 Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Тип: Текстовое значение

Описание: Оферент томонидан имзоланган муҳирланган кўринишда

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	5	Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги	3	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHODLIK SHODIYAXON	5	Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.	5	Экспертная		

Критерий №12 Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 50% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган ҳамда шу санага объектнинг бошланғич нархнинг камида 20 % маблағи ҳисоб рақамда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади маълумотнома танлов эълон килингандан кейин олинган бўлиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	10	Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)	8	Экспертная		
ООО SHODLIK SHODIYAXON	10	Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	129 843 000.00	129 500 000.00	06.06.2022 15:43:19	19.85
ООО SHODLIK SHODIYAXON	129 843 000.00	128 500 000.00	06.06.2022 17:50:24	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS	60.8	19.84556	80.64556

ООО SHODLIK SHODIYAXON	80	20	100
------------------------	----	----	-----

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 96433 от 07.06.2022 года на приобретение 27-сон мактаб биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО SHODLIK SHODIYAXON
304867208

и резервный исполнитель: ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS (303277246)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NURMATOV KAMOLADDIN ZARIPOVICH	Согласен	
Член комиссии	RO'ZMETOV SAN'ATBEK OLIMBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	KENJAYEV INOYAT RAXIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	GAPPAROV YASHIN ULUG'BEKOVICH	Согласен	
Член комиссии	SOTTAROV ILXOMBAY SAPORBAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП